

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**«ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ  
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА  
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ»  
МАВЗУСИДАГИ**

*Республика илмий – амалий анжумани*

*ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ВА МАЪРУЗАЛАР ТҮПЛАМИ*



2016 йил 15 декабрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**«ИҚТИСОДИЁТ» ФАКУЛЬТЕТИ  
«ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» КАФЕДРАСИ**

**«ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ»**

**МАВЗУСИДАГИ**

*Республика илмий – амалий анжумани*

**ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ВА МАЪРУЗАЛАР ТҮПЛАМИ**

**2016 йил 15 декабрь**

**ТОШКЕНТ – 2016**

қорамоллар 539,8 минг бошни, шу жумладан сигирлар 186,3 минг бошни, қўй ва эчкилар 131 минг бошни, паррандалар 6434,3 минг бошни ташкил қилди.

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик махсулотлари ва уларнинг умумий ишлаб чиқариш хажмига нисбатан улуши қўйидагича ифодаланади:

№	Махсулотлар	Минг тонна	2012й нисбатан	
			и/ч хажми	умумий фоизда
1	Донли экинлар	6294,9	80,6	103,8
2	Пахта	3343,4	99,5	97,2
3	Картошка	542,9	24,1	111,4
4	Сабзавотлар	3031,7	35,6	110,9
5	Полиз экинлари	781,6	50,2	106,9
6	Мевалар	1049,1	46,4	109
7	Узум	720,8	54,5	108,6
8	Гўшт	49	2,7	108,8
9	Сут	285,6	3,6	111,2
10	Тухум. млн. дона	501,3	11,4	107,9
11	Жун, тонна	2240	6,9	106,4

#### Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида сифатли ва хафсиз озиқ –овқат махсулотларини ишлаб чиқаришда жаҳон банкининг бераётган ёрдами табора ошиб бормоқда, жумладан 2015йил умумий суммаси 380 млн. доллар бўлган 8та лойиха амалга оширилди.

*доц. Н.Мардиев, И. Ақбаралиев,  
ТошДАУ*

#### Кичик бизнес ва тадбиркорликни инновацион ривожлантириш омиллари

Маълумки, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан унинг бошқарув тизимини самарадорлигига боғлиқдир. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришдан мақсад бутун ишлаб чиқариш тизимини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техник, интелектуал ва иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини оширишдан иборатдир.

Иқтисодиётни тузулмавий ислоҳ этиш ва модернизациялаш туфайли нафақат экспорт ҳажмини юқори суръатларда барқарор ўсишига, балки унинг таркибини сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилмоқда:

2015 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторининг улуши 82,9% бўлиб, улгуржи ва чакана савдо, ҳамда қишлоқ хўжалиги махсулотларининг эса қарийиб 100%ни нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарилмоқда;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 1991 йилда 1,5%ни ташкил этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори билан тасдиқланган Хусусийлаштириш дастурнинг амалга оширилиши натижасида ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 56,7 фоиздан ошди. Яъни 2000 йилга нисбатан унинг улуши 1,8 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Мажкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси. 18.01.2016 йил.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва улар фаолиятига бошқарувнинг инновацион технологияларини жорий этиш қуидаги омиллар ҳисобига мухим зарурнят

хисобланади:

1. Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилик эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиш хусусиятларига эга эканлиги инновацион технологияларни

жорий этишда йирик корхоналарга нисбатан юқори таваккалчиликнинг пастлиги жиҳатидан яхши самара беради;

2. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига инновацион технологияларни жорий этилиши уларни юқори трансакцион ҳаражатларини

камайтириб, рентабеллик кўрсаткичларини оширади;

3. Кичик бизнес субъектларининг янгиликларни тезкорлик билан ўзлаштира олиш салоҳияти уларга инновацияларни тижоратлаштиришдан юқори даромад олиш имкониятини беради;

4. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига бошқарувнинг инновацион технологияларини жорий этилиши улар томонидан ишлаб

чиқарилаётган маҳсулотлар таннарҳини камайтириш, товар ва хизматлар

номенклатурасини ошириш, янги товарлар турларини сотиш ҳажмларини

кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш ҳисобига уларнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини

oshiради.

Бугунги кунда инновация жараёнларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилишида ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ижобий фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади, бу эса охир-оқибатда инновация фаолиятини рағбатлантиришнинг мамлакатимизда ишлаб чиқилган тизимини ривожлантириш имконини беради.

Инновация тадбиркорлиги учун янги ғояни қидириш мухим аҳамиятга эгадир. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш қандайдир аниқ режага асосланади ва асосида фаоллик ҳамда чукур ўйланган инновация ташаббуси ётган тадбиркорлик ғояси ишлаб чиқаришни тўлиқ, шунингдек, унинг бир ёки бир нечта алоҳида қисмларини қамраб олиши мумкин.

Агар эътибор тадбиркорлик ғояларининг айнан айрим қисмларига қараттилса, ғояларни амалга ошириш, яъни корхонани тўлиқ ёки қисман янгилаш учун мумкин бўлган тадбиркор фаолиятининг асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизимини ўрганиш;
- янги техника ёки технологияларни қўллаш;
- маҳсулотни ишлаб чиқаришда янада тежамли ёки мустаҳкам янги материаллардан фойдаланиш;
- маҳсулотларнинг дизайни, қадоқланишини яхшилаш;
- корхона реклама компаниясини ташкил қилишнинг принципиал янги тизиммни яратиш.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг инновация характеристи, нафақат, ишлаб чиқариш омиллари, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига ёки маҳсулотни ташкиллаштиришга нисбатан, балки ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаётганларни жой-жойига кўйишга нисбатан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолда тадбиркорлик ғояси қуидаги фаолиятларга асосланган бўлиши мумкин:

- малакаси етарли бўлмаган ходимларни чиқариб юбориш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнида барча иштирокчиларни бутунлай ёки қисман алмаштириш;
- жамоада ишлаётганларнинг "ишга мойиллик кайфиятини" ташкил қилиш;
- ҳар бир ходим ўз иш вақтидан унумли фойдаланиши учун чора-тадбирлар қабул қилиш.

Инновацион ғояларнинг аниқ манбалари қуидагилар бўлиши мумкин:

- истеъмолчиларни, яъни уларнинг талабларини ўрганиш;

- олимлар, агар улар товар маҳсулотлари, хизматларнинг оригинал ёки такомиллаштирилган вариантларини яратишга олиб келиши мумкин бўлган материаллар, товар хусусиятларини ихтиро қилиш билан шуғулланадиган

бўлса;

- ракобатчилар, баъзи ҳолларда уларнинг истеъмолчилар талабини қондиришга қаратилган фаолияти тадбиркорни ўзининг инновация режасини шакллантиришига туртиши мумкин;

- савдо агентлари, дилерлар ва бошқа воситачилар;

- инновацион фаолиятнинг аниқ элементлари бўйича тадбиркорнинг маслаҳатчилари;

- корхонанинг бевосита ходимлари.

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг инновацион жараёнларни бошқариш тизими турли вазиятларга мосланувчан бўлиб, комплекс характерга эга. Унинг зиммасига маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий этиш, ташкилий тузилма шаклларини ва бошқарувчилик функцияларини қайта тузиш, янгиликларни амалиётга жорий этиш, инновацион жараёнларни бошидан охиригача бошқариш имкониятини таъминлаш каби бир қатор вазифалар юклатилади.

Ҳозирги иқтисодий шароитларда ҳаттоки, мувафиқиятларга эришаётган кичик тадбиркорлик тузилмалари доим ҳам янги инновацияларни қўлламасдан ҳамда йирик ташкилотлар билан ҳамкорлик қўлмасдан янги маҳсулот ёки технологияларни ишлаб чиқишига қодир бўлмайди. Сўнгги йилларда республикада инновацион фирмалар пайдо бўлмоқдаки, уларнинг бошланғич капитали ақлий ресурслардир. Ушбу консалтинг инновацион фирмалар катта имкониятларга эга. Бундай фирмаларнинг асосий маҳсулоти - турли хилдаги маърузалар шаклини олган ғоялардир. Бу ерда жаҳон тараққиёти йўналишлари бўйича прогнозлар ишлаб чиқилади, иқтисодиётни таркибан қайта қуришнинг янги вариантлари таклиф этилади, турли лойиҳаларни баҳолаш ва техник - иқтисодий асослаш ишлари олиб борилади.

*И.Ф.Н., доц. Х.И. Боев, Б.Ч. Турсоатов,  
ТДИУ*

### **Кичик бизнесга инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий самарадорлиги**

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес фаолиятини ривожлантиришга жуда кенг имкониятлар яратилган. Ушбу мақолада кичик бизнесга инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий самарадорлиги хақида маълумот берилган. Мақоланинг мақсади иқтисодиётимизни ривожлантиришда инвестицияларнинг ролини статистик кўрсаткичлар орқали номоён қилишдир.

Иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Мамлакатимизда ахолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жумладан касаначиликнинг турли шаклларини кенг тарғиб этилиши мамлакатимизда мазкур соҳа ривожига улкан хисса қўшди. Юртимизда ўтказилаётган йилдан йилга ўзига хос анъана тусиға кириб бораётган “Инновацион ғоялар техник ва технологик ишланмалар” ҳалқаро ярмаркаси юртимиз тадбиркорлари ва ишбилиармонлари учун ўзига хос тажрибаларни қўллаш, ғоя ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш учун асос бўлиб келмоқда. Кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар ва тизими равишда олиб борилаётган иқтисодий сиёsat натижасида мазкур соҳанинг иқтисодиётимиздаги ўрни янада юксалди. Инвестициялар дастурини банклар мисолида кўрадигин бўлсак Банк тизимининг жами капитали 2014-йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу

<b>Бўстонов М.М., Хайдарова Н., Тожиев А.</b> Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш имкониятлари ва асосий йўллари.....	257
<b>Абдурахманова Г.К.</b> Кичик бизнес субъектларида инновациявий фаолиятни ривожлантириш йўллари.....	260
<b>Джусраева С.Қ.</b> Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда иқтисодиёт тармоқлари улушини ошириш йўллари.....	262
<b>Косимова Д.</b> Важнейшие причины, сдерживающие и повышение эффективности малых предприятий.....	266
<b>Мажидов К.Х., Хакимов Ш.Ш.</b> Инновационные технологии в направлениях повышения качества хлопкового масла.....	268
<b>Зиядуллаев К.Ш., Хикматова С.Ф.</b> Моделирование перевозок сельскохозяйственной продукции.....	269
<b>Шарипов Қ.Б., Тишабоев Д.К.</b> Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожлантириш ва унинг таркибини диверсификациялаш масалалари.....	273
<b>Карабаева Г.Ш., Холбекова Ф.Р.</b> Саноатда кичик бизнеснинг роли.....	275
<b>Xodjimihammedova Sh., G'aybullayev Sh.</b> Korporativ boshqaruv – samaradorlikning muhim omili.....	276
<b>Xodjimihammedova Sh., G'aybullayev Sh.</b> Korporativ boshqaruv.....	277
<b>Babajanov R.Yu., Joraeva K.G.</b> Sportchilarni faoliyatini rivojlantirishda oziq-ovqat mahsulotlarini roli.....	279
<b>Иминова Н.А.</b> Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида маркетинг тизими ўрни.....	281
<b>Нормуродов Х.Э.</b> Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва таъминоти ўртасидаги муттаносибликни таъминлашнинг долзарб вазифалари.....	282
<b>Аллаёров Ш.А., Холдоров Э.Э.</b> Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда кичик бизнеснинг ўрни ва роли.....	285
<b>Джамалова Х.С., Ҳабибуллаев М.М.</b> Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик самарарадорлигини баҳолаш.....	286
<b>Begmatov D., Norqo'ziyev A.</b> Xalqaro iqtisodiy integratsiyaning jahon xo'jaligi va xalqaro iqtisodiy munosabatlar tizimida tutgan o'rni.....	288
<b>Begmatov D., Norqo'ziyev A.</b> Xalqaro iqtisodiy integratsiyaning mazmuni, mohiyati va nazariy asoslari.....	289
<b>Мадрахимова Г., Назаров С.Х.</b> Кичик бизнес субъектлари ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш.....	291
<b>Исмоилова Г. Ф.</b> Озиқ-овқат хавфсизлиги ва кичик бизнес.....	294
<b>Яшиева М.Т., Отабоев Ф.</b> Озиқ – овқат хавфсизлигига аҳоли даромадларининг таъсири.....	296
<b>Хасанов Р.Р., Набиев Ш.</b> Оқилона сарф – озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш гарови сифатида.....	297
<b>Адилов Б.Б.</b> Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда барқарорликка эришиш.....	300
<b>Мардиев Н., Ақбаралиев И.</b> Кичик бизнес ва тадбиркорликни инновацион ривожлантириш омиллари.....	302
<b>Боев Х. Т., Турсоатов Б.Ч.</b> Кичик бизнесга инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий самарарадорлиги.....	304
<b>Сиддиқов З.Т., Ҳаитбоева Д.З.</b> Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий самарарадорлигини ошириш йўллари.....	306
<b>Норбоев О.А., Ҳамирова С.Я.</b> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бошқарув ҳисобининг аҳамияти.....	308
<b>Нурмуҳамедова Ч.Г.</b> Внебиротные активы, предназначенные для продажи, и прекращенная деятельность.....	310